

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ БЎЙИЧА БЎШ ПРОФЕССОР-ЎҚИТУВЧИ ХОДИМЛАР ТАРКИБИГА ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ (октябрь 2014 йил)

Кафедра мудирлари

Тиббий профилактика факультетининг “Информатика, биофизика ва нормал физиология” кафедраси

Тиббий педагогика факультетининг “Патология” кафедраси

ОМХ факультетининг “Суд тиббиёти” кафедраси

Даволаш факультетининг “ИКП гематология ХДТ ва лаборатория иши” кафедраси

Доцентлар

Даволаш факультетининг “УАШТ ва эндокринология” кафедраси

Тиббий профилактика факультетининг “Коммунал ва меҳнат гигиена” кафедраси

Ката ўқитувчилар

Даволаш факультетининг “УАШ жарроҳлик” кафедраси

Тиббий профилактика факультетининг “Жамоат соғлиғини сақлаш мактаби

Даволаш факультети “Болалар касалликлари” кафедраси

Хужжатларни қабул қилиш муддати бир ой эълон қилинган кундан бошлаб.

Хужжатлар ректоратнинг канцелария бўлимига топширилади. Манзилимиз: Олмазор тумани, Фаробий кўчаси, 2 уй.

Ассистентлар

Тиббий профилактика факультетининг “Травматология, ортопедия ХДЖ ва нейрожарроҳлик” кафедраси

Даволаш факультетининг “Гисталогия ва тиббий биология кафедраси

Даволаш факультетининг “Умумий ва болалар жарроҳлиги” кафедраси

Даволаш факультети “Болалар касалликлари” кафедраси

ТТА ректорати ва касаба уюшмаси УАШ акушерлик ва гинекология кафедраси доценти
Шаходат Қодирназаровна МОВЛОНОВАнинг
бевақт вафоти муносабати билан марҳуманинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

MUASSIS:
**TOSHKENT
TIBBIYOT
AKADEMIYASI**

MUHARRIR
**TURDIQUL
BOBOMURATOV**

TAHRIR HAYATI:
Q.Nizomov (Bosh muharrir o'rinbosari),
O.Hazratov, D.Hidayeva, D.Norgulov,
L.Abuqodirova.

Gazeta Pentium-IV
kompyuterida sahifalandi va Toshkent
Tibbiyot akademiyasi RISOGRAFida
400 nusxada chop etildi.
Manzilimiz:
Toshkent shahri, Farobiy
ko'chasi, 2-uy
Nashr uchun ma'sul
Q. Nizomov

Gazeta Toshkent Matbuot va axborot
boshqarmasida 2007-yil 15-yanvarda
02-0049 raqam bilan ro'yxatga olingan

Mualliflar fikri tahririyat nuqati nazaridan farqlanishi
mumkin. Maqolalardagi ma'lumotlar uchun
mualliflar javobgardir

Gazeta bepul tarqatiladi



Талабалikka бағишлов – 2014

1 октябрь —

Ўқитувчи ва мураббийлар куни



ҚУТЛАЙМИЗ!

Хурматли профессор-ўқитувчилар, кадрли устозлар. Сизларни яқинлашиб келаётган Ўқитувчи ва мураббийлар куни билан чин дилдан самимий муборакбод этамиз.

Айтиш жоизки, Тошкент Тиббиёт академияси илмий, ташкилий ва бошқа жараёнларда қўлга киритилаётган ютуқларни устозлар иштирокисиз тасаввур этиб бўлмайди. Уларнинг меҳнатдаги, илмий-ижодий изланишдаги ва ўқув жараёнидаги фидойилигини ҳамиша юксак қадрлаймиз.

Билимли, зукко, ҳар томонлама ўрнатилган талабаларимиз сафи йил сайин ортиб бораётганлиги бизни қувонтиради.

Қадрли устоз-мураббийлар, Сизларни барчангизни касб байрамнингиз билан яна бир бор қутлаймиз. Сизларга мустаҳкам соғлиқ, гўзаллик, оилавий бахт, хонадонингизга файзу барак тилаймиз. Илмий ва ижодий фаолиятингизда, ўқишларингизда улкан ютуқ ва омад ёр бўлсин.

РЕКТОРАТ

ЮРТИМИЗНИНГ БАХТЛИ ФАРЗАНДЛАРИМИЗ

Шаҳримиздаги “Туркистон” саройида Тошкент Тиббиёт академияси, Тошкент Давлат стоматология институти ҳамда Ибн Сино жамоатчилик маркази томонидан 1-босқичга қабул қилинган талабаларнинг “Талабалikka бағишлов – 2014” тантанали қасамёд маросими ўтказилди.

Таъкидлаш жоизки, ҳар йили анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган тадбирда академиянинг профессор-ўқитувчилари, тиббиёт соҳаси ходимлари, Ҳиндистоннинг энг йирик кардиохирург олимлари ва талабалар иштирок этдилар.

“Ягонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним!” шиори остида ташкил этилган тантанали маросимда Тошкент Тиббиёт академияси ректори Шавкат Каримов, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш, Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари, Ибн Сино жамоатчилик маркази мутасадди ходимлари сузга чиқиб, биринчи босқичга қабул қилинган талабаларни табриклаб, масъулиятли касб эгалари бўлмиш шифокорга айланишлари учун тинмай ўқиш, изланиш лозимлигини таъкидладилар.

Тадбир давомида буюк тиббиёт алломалари қиёфасида — Ибн Сино ўз “Тиб қонунлари”, Гиппократ “Қасамёди”ни ва бошқалар ҳам ўз рамзий белгиларини талабаларга топширишди. Магистрлар эса рамзий синов дафтарчаси, фонендоскопларини бериб, талабаларнинг ўқишларида муваффақият тилашди.

Давоми 2-бетда.



Дарахтнинг ҳам кимга мевасию кимга
соясии тегади.





ЮРТИМИЗНИНГ БАХТЛИ ФАРЗАНДЛАРИМИЗ

(Давоми. Боши 1-бетда.)

— Ўзбек, рус, инглиз тилида қасамёд қилаётган талабаларга боқиб, қалбимизни фахр ва ифтихор туйғуси қамраб олади, — дейди Тошкент Тиббиёт академияси хотин-қизлар кўмитаси раиси Лола Абдуқодирова. — Бугун бу ёшлар қалбида ҳаяжон, нигоҳида эса қувончли кўрасиз. Академия раҳбарияти томонидан ушбу қувончли лаҳзаларнинг талабалар ҳаётида унутилмас бир тарихий санага айланиши назарда тутилиб, мазкур тадбир тантанали равишда ўтказилди. Ҳар бир талаба мустақил Ватан тақдири билан ўз тақдирини боғлашга, бутун фаолиятини она диёрга ва унинг буюк келажагига бахшида этишга, инсоният тафаккури камолига улкан ҳисса қўшган аждодларимиз меросини чуқур ўрганишга, улар ёққан чироқларни янада мунаввар этишга қасамёд қилади.

Оқ либослари ўзига ярашган, келгусида инсон саломатлигини асрашга бел боғлаган талабаларни суҳбатга чорладик.

— Биз юртимизнинг бахтли фарзандларимиз, — дейди Зулфия номидаги Давлат мукофоти соҳибаси Нигора Туймуродова. — Сабаби гўзал диёримиз-

да биз, ёшлар учун кенг имкониятлар эшиги очилган. Спорт мусобақалари, фан олимпиадалари ўтказилиши, бир қатор давлат мукофотларининг таъсис этилиши фикримнинг ёрқин далилидир. Бу йил мен учун омадли йил бўлди. Юртимиздаги энг нуфузли олий ўқув юрларидан бири бўлмиш, ўз олди-га фақат инсон саломатлигини мустаҳкамлашни мақсад қилган Тошкент Тиббиёт академиясига имтиёзли равишда ўқишга қабул қилиндим. Буни буюк орзуларим сари ташланган илк қадамим деб биламан. Ватаним, устозларим, ота-онам олдида менга юклатилган масъулиятни оқлашга, янада кўпроқ ўқиб, изланишга ҳаракат қилишга ваъда бераман.

— Шу йил ҳарбий хизматни тасмоллаб, Тошкент Давлат стоматология институтига имтиёзли баллар асосида 1-босқичга ўқишга кирдим, — дейди Исо Сагдуллаев. — Ҳаяжонли дақиқаларда қасамёд қилдик. Келгусида халқимизга керакли мутахассис бўлиб етиштишни режалаштирдим. Бизга кўплаб шарт-шароитлар яратиб берганликлари учун Юртбошимизга, таълим берган устоз-

мураббийларим, ота-онамга алоҳида миннатдорчилик билдираман.

— Икки йил давомида Тошкент Тиббиёт академиясига ҳужжат топширдим, учинчи йили талаба бўлиш менга насиб этди, — дейди Феруза Ғуломова. — Мазкур академиянинг тиббий-профилактика факультетига шартнома асосида ўқишга кирдим. Академиянинг талабалари сафига қўшилиш мен учун катта бахт. Оиламизда шифокор касбини танлаганлар бўлмаган, келгусида оқ либос кийиб, тиббиёт соҳасида кўплаб ютуқларга эришишга ҳаракат қиламан.

Тадбир якунида Тошкент Тиббиёт академиясининг бадий ҳаваскорлик ҳамда «Адреналин» жамоаларининг чиқишлари барчага манзур бўлди. Бундан ташқари Тиббиёт академияси ҳамда Тошкент Давлат стоматология институти ҳаётини ёритувчи кўргазмали стендлар, ўқиш фаолияти, соғлом турмуш тарзини тарғиб этувчи кўргазмалар ташкил этилди.

Дилором ХИДАЕВА
маънавият ва маърифат
бўлими мудири



ФАРЗАНДЛАРИ СОҒЛОМ ЮРТ

Бола қалби туғилганида тоза ёзув тахтасига ўхшайди, унга нималар ёзилса, шунга мос инсонга айланади. Бола қалбининг «ёзув тахтаси» бу унинг кўзлари, қулоқлари ҳисобланади.

Буюк аллома бобомиз Имом Ал-Бухорийнинг «Аль-адаб аль-муфрад» китобининг бир бобида, «Оилада фарзанд туғилса, ўғил ёки қизлигини сўрамас эдилар, соғломми? — деб сўрарлар, — ҳа, дейилса, Оламларнинг сарвари Аллоҳимга шуқур дердилар», — дейилган.

Луғатни қарайдиган бўлсак «соғлом» сўзининг маъноси: дард-касалдан ҳоли, Соғ, беғубор, соф, расо, рухий жиҳатдан шикаст етмаган, ғоявий-мафқуравий, маънавий жиҳатдан тоза, пок деган маъноларни билдиради.

Президентимиз таъкидлаганларидек: «Биз соғлом деганда, нафақат жисмоний, балки маънавий жиҳатдан ҳам соғлом болани ўзимизга тасаввур этамиз. Айни вақтда бугунги шиддатли замон, ҳаётнинг ўзи ёш авлод тарбияси борасида олдимизга янги-янги, ўта муҳим ва долзарб вазифаларни қўймоқда».

Оллоҳ инсон жисмини соғлом, мукамал яратган. Унинг юраги, ўпкаси, кўзи, мияси юз йилдан ортиқ яшашга мўлжалланган. Аммо баъзи ҳолларда одамнинг ўзи соғлом муҳитни бузади...

МАЪНАВИЯТИ БУТУН ХАЛҚ

Мамлакатимизда ҳар йили 500 минг нафар атрофида фарзанд дунёга келади. Бугунги фарзандларимиз йигирма, ўттиз йилдан кейин миллатнинг навқирон вакиллари айланишади.

«Менинг Ватаним», «Мен муқаддас юртнинг фарзандиман ва шу юртга муносиб фарзанд бўлишим керак» деган ғояни онгу шуурида мустаҳкамлаб камолга етган ёш авлод эртанги кунимизнинг яратувчилари, келажагимизнинг давомчилари ҳисобланади.

Инсонга маънавий саломатлик жуда зарур. Лекин баъзан одамлар нафс, кибр, жаҳолатга берилиб

ўзларини турли балоларга гирифтор қиладилар. Хатоликларнинг олдини олиш, яъни авлодларнинг нафақат жисмонан бақувват, балки руҳан, соғлом, маънан етуқ, мард ва жасур, ватанпарвар инсонлар бўлиб вояга етишларига фақат, тарбия орқалигина эришилади.

БИЗДАН ҲАРАКАТ...

Кимлардир «пешонасида бўлса, бола ўз-ўзидан яхши одам бўлиб кетаверади», — дейди. Лекин бирор ишнинг ўз-ўзидан яхши натижа берганини ким кўрган?


Оддий бир мисол: Тайёрланмаган абитуриент тест варақасини қандай тўлдирсин? Ўрганмаган талаба инглиз тилида сўзлаши мумкинми? Оқибат нималиги тушунтирилмаган, ўргатилмаган фарзанд қандай қилиб оқибатли бўлсин, бола меҳрли бўлмаса бунга фақат ўзи айбдорми? Ёки унга етарлича тарбия бера олмаётган ота-онами?

Дунёда китоблар кўп, лекин инсон учун энг азиз неъмат — фарзанд тарбияси ҳақида махсус китоблар жуда кам, замонга ҳамнафас тарбиявий рисолалар йўқ ҳисоб.


ШУКРОНАЛИК ҲИССИ

Инсон бахт учун туғилади. Лекин у бахтни қандай ҳис қилади, қандай туяди? Шукр қиладиганида. Ушандай дақиқаларда инсон ўтган умрига ва яшаётган кунларига қарайди. Кечаги турмушига қараб, бугунги кунини мулоҳаза қилади. Шунинг учун ҳам «Ислохот — ислохот учун эмас, аввало инсон учун», «Янги уй қурмай туриб, эскисини бузманг», — деган машҳур широрлар халқимиз ўртасида кенг ёйилиб, қўллаб-қувватланаётганлиги бежиз эмас, албатта. «Ким эдигу, ким бўлдик?» — деган савол ўртага ташланмоқда. Буни шукроналик тарозиси деса бўлади. Бу муболаға эмас. Келинг, тарозининг бир палласига «кеча» мизни, иккинчи палласига «бугун» имизни қўйиб, ҳаётимизга бир қарайлик: Бугун кўзларимиз ана шу ва бошқа юзлаб неъматлар билан безанган. БАХТни кураётим. Ортага қарасак, кеча — бахтсизлик бизни кузатаётганини кўрамиз.

Лира ПИРЖАНОВА,
ТТА Маънавият-маърифат бўлими услубчиси



Ким қайси бир ишни қилишни билмайди, ким нима иш қилишни.



Меҳнатнинг ўзи кифоя эмас, уни кўрсата билиш ҳам керак.

2014-2015 ўқув йилининг бошланиши 2 сентябрь кунин Республикамининг таълим муассасаларида, жумладан, Тошкент Тиббиёт академияси барча факультетларида "Ягонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним!" шиори остида "Мустақиллик дарслари" бўлиб ўтди.

Ушбу дарслар Президентимиз Ислон Каримовнинг шу йил 14-15 май кунлари Самарқанд шаҳрида "Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожидagi роли ва аҳамияти" мавзусидаги халқаро конференцияда сўзлаган маърузаси мазмун-моҳиятига бағишланди.

Мустақиллик дарсида Президентимиз маърузасидан ўрин олган Ўрта асрларнинг илк даврида Шарқда амалга оширилган буюк илмий кашфиётлар қилган замонавий математика, тригонометрия ва география фанлари тарққийтига улкан ҳисса қўшган Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмий ҳақида, унинг ўнлик позиция ҳисоблаш тизими, ноль белгиси ва кутблар координатларини биринчилардан бўлиб асослаб берганлигини, бугунги кундаги замонавий компьютер технологияларини пойдевори ҳисобланган алгоритм тушунчаси ҳам шу олим томонидан илгари сурилгани алоҳида таъкидланди. Бундан ташқари, маърузачи профессор-ўқитувчиларимиз Аҳмад Фарғонийнинг IX асрда ёзилган "Астрономия асослари" асарида оламнинг тузилиши,

Ернинг ўлчови ҳақидаги, сайёрамизнинг шарсимон шаклга эга эканлиги ҳақидаги далиллар мавжудлиги, китоб XVII асрда қадар Европа университетларида астрономия фани бўйича асосий дарслик сифатида ўқитиб келинганлиги, Аҳмад Фарғоний биринчилардан бўлиб астрономик асбоб-устурлоб назариясини, Нил дарёси сув сатҳини ўлчайдиган асбоб "Нилометр"ни кашф қилганлиги ҳақида қизиқарли маълумотлар берилди.

Абу Райҳон Беруний томонидан дунё илм-фанида биринчилардан бўлиб денгизлар назариясини, Ернинг шарсимон гло-

Мен, айниқса, ОМХ факультети талабаларига ўтилган "Мустақиллик дарслари"да қатнашиб шу нарсага амин бўлдимки, талаба-ёшларимиз улуғ алломаларнинг авлоди эканлигидан фахрланишди. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, Президентимиз маърузаси уларда катта қизиқиш уйғотганлигининг гувоҳи бўлдим. Ушбу маърузани чуқур ўрганиш, ўрта асрларда яшаб ижод этган буюк аллома ва мутафаккирларнинг илмий мероси бугунги кунда ҳам мамлакатимиз тараққийти учун муҳим эканлигини очиқ бериш ва оммалаштириш ёш

авлодни ҳар томонлама баркамол, буюк аждодларимиздан ибрат олиш руҳида тарби-

ялашда долзарб аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг 343-буйруғи ва Тошкент Тиббиёт академияси ректорининг 286-сонли буйруғи асосида 2014-2015 ўқув йилининг сентябрь ойида бакалаврият ва магистратура босқичларида таҳсил олувчи талабаларга Президентимиз Ислон Каримовнинг "Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожидagi роли ва аҳамияти" мавзусидаги халқаро конференцияда сўзлаган маърузаси мазмун-моҳиятини янада чуқурроқ ўрганиш мақсадида академия "Ижтимоий фанлар" кафедраси профессор-ўқитувчилари томонидан 8 соатлик "Мустақиллик дарслари" ўқитилмоқда.

Сухроб НОРҚУЛОВ,
фалсафа фанлари номзоди,
ОМХ факультети
декан муовини

БУЮК АЖДОДЛАРИМИЗ МЕРОСИ ВА ЁШЛАР ТАРБИЯСИ

бусини яратганлигини, Колумб саёҳатидан беш юз йил олдин Тинч ва Атлантика океанлари ортида қитъа (Америка) мавжудлиги ҳақидаги қарашларини, геодезия фанига асос солганлиги баён қилинди.

Абу Али ибн Сино "Тиб қонунлари" асарида тиббиёт фанлари тараққийтининг асосий йўналишини олдиндан белгилаб берганлигини, Европанинг етакчи университетларида беш юз йил давомида тиббиёт айнаи шу асар асосида ўқитиб келинганлиги ҳақида гап борди.

Маҳмуд Замахшарий алломамиз араб тили грамматикаси асосчиси эканлиги, тарихда биринчи кўп тилли луғат-арабча-форсча-туркий луғатнинг асосчиси бўлганлиги, шунингдек, ўрта асрларда яшаб ижод қилган бир қанча буюк алломаларимиз фаолияти ҳақида ҳам маърузачиларимиз талабаларга жуда кўп янги маълумотларни етказди.

ИСТИҚЛОЛ БЕРГАН ИМКОНИЯТЛАР

Жорий йилда мамлакатимиз мустақиллигининг 23 йиллигини кенг нишонладик. Ўтган даврларга назар ташлайдиган бўлсак, республикамиздаги барча соҳаларда улкан ислохотлар амалга оширилди. Жумладан, таълим тизимида ҳам. Таълим тизими ижтимоий соҳалар ичида кенг кўламли соҳа ҳисобланиб, ўзига хос долзарбликни касб этади. Чунки таълим-тарбия, интеллектуал мулк, ахборот ресурслари, касбий маҳорат, ишлаб чиқариш каби бир қанча механизмлар такомилли билан боғлиқ. Буларнинг натижаси сифатли кадрлар салоҳиятини намоён этади.

1997 йилнинг август ойида қабул қилинган Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг қабул қилиниши соҳа ривожидида туб бурилиш ясади. Хусусан, тизимнинг моддий базасини янгилаш ва бойитиш, керакли ўқув адабиётлари билан таъминлаш, педагогик кадрлар малакасини ошириш, янги инновацион ва инфорацион технологияларни жорий этиш, инглиз тилини чуқур ўрганиш ва ўқитиш сингари амалий саъй-ҳаракатлар ислохотларнинг асосий мезонини ташкил этди.

Тошкент Тиббиёт академияси ҳам мустақиллик йилларида ташкил этилган олий ўқув юрти ва таълим тизимида амалга оширилган ислохотларнинг намунаси сифатида мамлакатимизни сифатли шифокорлар билан таъминлашдаги асосий ўқув маскани ҳисобланади. Академияда ҳам таълим сифатини ошириш ва янгилаш мақсадида турли лойиҳалар, ўқув режалари ишлаб чиқилмоқда. Бугунга келиб барча кафедра-

лар замонавий ўқув жиҳозлари билан таъминланган, педагогик кадрларнинг малакасини ошириш ишлари изчил давом этирилмоқда. Талабаларни амалиётдан ажратмаган ҳолда машғулотларни сифатли олиб бориш мақсадида бир қанча намунали ўқув марказлари ташкил этилди. Шунингдек, профессор-ўқитувчилар ва таҳсил олувчи барча босқич (бакалавриатура ва магистратура) талабалари учун хорижий давлатларда малака ошириш ҳамда тажриба алмашиш имкониятлари яратилган. Агарда бу олиб борилган ислохотларни чуқур таҳлил қиладиган бўлсак, улар замирида истиқлол берган имкониятлар ётади. Зеро, Президентимиз таъкидлаганидек, "Буларнинг барчаси, аввало, мустақилликка эришган биринчи кунлардан бошлаб "Ислохот - ислохот учун эмас, аввало, инсон учун" деган принципни ҳаётга татбиқ этганимизнинг амалий самараси, десак, ҳеч қандай хато бўлмайди" (Каримов И.А. Мамлакатимизни янада обод этиш ва модернизация қилишни қатъият билан давом эттириш йўлида. 21 жилд. Т.: Ўзбекистон, 2013. 5-бет).

Дарҳақиқат, Ўзбекистан улкан имкониятлар мамлақати. Шунинг учун ҳам юртимиз берган барча имкониятлардан ўз вақтида тўлиқ фойдаланиб, демократик давлат ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшмоғимиз лозим.

Нилуфар НИЁЗОВА,
Ижтимоий фанлар
кафедраси катта
ўқитувчиси, ф.ф.н.

1 — октябрь Устозлар кунига бағишланади


УСТОЗИМ НУРИМ

Меҳри булоқ, қалби куёшим,
Болалиқдан, силаган бошим.
Бу ҳаётни, сиз ўргатдингиз,
Сизга таъзим, қилай устозим.
Бошимда сиз, порлаган куёш,
Машаққатга, бериб сиз бардош.
Қадрингизга етмадик гоҳо,
Улғайдикми, бўлиб бағри тош.
Илк қаламни, тутқазиб қўлга,
Саховатни, солдингиз дилга.
Улғайгач сўнг, билиб қадрингиз,
Бизни бошлаб, сиз тўғри йўлга.
Сизга қандай, раҳмат айтайин,
Пойингизга, таъзим қилайин.
Сиз ўргатган барча нарсани,
Ўлгунимча, жонда сақлайин.
Устоз десам, дилим яйрагай,
Ҳатто булбул, устоз сайлагай.
Буюк шохлар ҳатто сизларсиз,
Бу шохликка, сира етмагай.
Устозларга, таърифлар етмас,
Устоз бўлиш, дўстлар осонмас.
Устоз ҳар он, мўътабар зотдир,
Унда сабр, сира туганмас.

Бари бир камдир, қилсак ҳам
таъзим,
Чарчамангиз, бериб сиз

таълим.
Сиз туфайли, қаранг ўқтувчим,
Шу кунларга, етдим устозим.

Урунов Давронбек
Давлатали ўғли,
Даволаш факультети 207-А
гуруҳ талабаси.



*Изланганга толе ёр***ИЛК БОР ДОКТОРЛИК ДИССЕРТАЦИЯ ҲИМОЯСИ**

**Мамлакатимизда
"Кадрлар тайёрлаш
миллий дастури", "Таълим
тўғрисидаги қонун"
ижросини таъминлаш
ва таълим тизимидаги
ислохотларга катта
эътибор қаратилмоқда.**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 24 июлдаги ПФ-4456-сонли «Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш ва аттестациядан ўтказиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида» Фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 28 декабрдаги 365-сонли «Олий ўқув юртидан кейинги таълим ҳамда олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрларни аттестациядан ўтказиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорини бажариш ҳамда Олий аттестация комиссияси фаолиятини янада такомиллаштириш мақсадида амалга оширилган чора-тадбирлар амалда кенг қўлланилмоқда. Олий таълим муассасаларида катта илмий ходим институти ва мустақил изланувчилар институти фаолият кўрсатмоқда. Олий таълим муассасалари қошидаги илмий кенгашлар ҳам ўз фаолиятларини бошлаган. Тошкент Тиббиёт академияси ҳузуридаги фан доктори илмий даражасини берувчи 16.07.2013.т.б.17.01 рақамли илмий кенгашда янги талаблар бўйича илк бор докторлик диссертацияси ҳимоя қилинди. Мустақил изланувчи Боймурадов Шухрат Абдужалиловичнинг «Юз скелети суяклари кўшма жароҳатланган беморларда диагностика ва даволаш



усулларини такомиллаштириш» мавзусидаги докторлик диссертацияси 14.00.21-Стоматология ихтисослиги бўйича ҳимоя қилинди. Шунинг таъкидлаб ўтиш жоизки, диссертация иши Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 28 ноябрдаги «Соғлиқни сақлаш тизимини ислох қилишни янада чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги №ПҚ-1652 сонли Қароридан белгиланган вазифалар, яъни замонавий талаблар ва стандартларга мувофиқ аҳолига юқори сифатли тиббий ёрдам кўрсатишни таъминлашга хизмат қилади. Таъкидлаш жоизки диссертация ҳимояси жаҳон андозаларига мос равишда бўлиб ўтди, ҳимоя инглиз тилида қилинди, биринчи оппонент узоқ хориждан, Германиядан таклиф қилинди. Ҳимоя жараёнида чет элдан ташриф буюрган олим иштирокида инглиз тилида савол-жавоблар бўлиб ўтди. Мамлакатимиз олимлари орасида инглиз тилини мукамал гапирадиган олимларимизнинг ҳам борлиги мулоқотни жонли ва қизиқарли ўтишини таъминлади. Профессор Жозеф Бенедикт Фольц диссертация ҳимоясига юқори баҳо

берди. Мен Ўзбекистонга илк бор ташриф буюришим, илмий ишга расмий оппонент қилиб таклиф қилинганимда ростини айтсам менда иккиланиш пайдо бўлганди, диссертация иши билан танишганимда ҳозирги кунда тиббиётни долзарб муаммоларини ечимига қаратилган илмий иш қизиқшимни уйғотди. Бугунги диссертация ҳимояси жуда юқори савияда ўтди, ҳамма саволларимга тўлиқ қониқарли жавоб олдим. Диссертант Боймурадовнинг инглиз тилида ўз илмий ишининг натижаларини баён қилиши, саволларга аниқ ва мукамал жавоб бериши мени жуда қувонтирди. Диссертантда ўз мавзусига бўлган қизиқиш ва ундаги ғоялар бугунги кундаги замонавий тиббиётни ривожлантириш учун хизмат қилади. Бажарилган илмий иш жуда катта илмий ва амалий аҳамиятга эга, халқаро стандартларга жавоб беради. Мен келажакда мамлакатларимиз ўртасида халқаро илмий алоқаларни йўлга қўямиз деган умиддаман.

**Қутбиддин НИЗОМОВ,
"Тиббиётнома" махсус
мухбири**

О'tmishi ulug' – kelajagi porloq O'zbekiston

„Biz buyuk ajdodlarimiz bilan faxrlanishimiz, g'ururlanishimiz kerak, faqat g'ururlanishning o'zi yetarli emas, kelinglar, o'zimiz ham, huddi ular kabi ana shu bebaho merosga o'z hissamizni qo'shaylik“

I. Karimov

Mamlakatimizda milliy qadriyatlarini tiklash, boy tariximizni buyuk ajdodlarimizning bebaho meroslarini o'rganish borasida ulkan ishlarni olib borilishi, fan va ta'lim tizimini rivojlanishida yangi kashfiyotlar, ilm-fan yutuqlariga erishishda muhim ahamiyat kasb etmoqda. Prezidentimiz takidlaganidek: „Jamiyat taraqqiyotidagi har qanday o'zgarishlar, yangiliklar ayniqsa insoniyat rivojiga katta turtki beradigan jarayonlar, kashfiyotlar o'z-o'zidan yuz bermaydi. Buning uchun avvalo asriy an'analar, tegishli shart sharoitlar, tafakkur maktabi, madaniy- ma'naviy muhit mavjud bo'lmog' kerak“. Ana shunday ezgu maqsad va tafakkur bilan yashayotgan xalqimizni jahon taraqqiyotiga qo'shgan ulkan xissasi, Sharq G'arbni o'zaro bog'lagan buyuk sivilizatsiyalar tutashgan yurtimizning tarixini va kelajagini yana bir bor o'rganish maqsadida, 2014-yil may oyida „ O'rta asrlar Sharq allomalari va mutafakkirlarining tarixi, merosi, uning zamonaviy sivilizatsiya rivojidagi roli va ahamiyati“ mavzusida xalqaro konferensiya bo'ldi. Konferensiyada AQSh, Buyuk Britaniya, Italiya, Xitoy, Janubiy Koreya, Germaniya, Yaponiya, Hindiston, Misr, Rossiya, Indoneziya, Saudiya Arabistoni, Quvayt, Ozorbayjon kabi ellikka yaqin mamlakatlarning olimlari, nufuzli xalqaro tashkilotlar rahbarlari, oily ta'lim muassasalari professorlari ishtirok etdilar. Qadimiy shahar Samarqandda bo'lib o'tgan bu konferensiya, o'rta asr Sharq allomalarining dunyo tamaddumida tutgan o'rni, ilm fan, tibbiyot rivojiga qo'shgan xissasi, hozirgi kunda ularning xayoti va ijodini o'rganish, kelajakda zamonaviy ilm fan taraqqiyoti uchun muhim ahamiyatga egaligiga zamin yaratdi.

Tadqiqotchi olimlarning fikricha, Sharq xususan Markaziy Osiyo mintaqasi IX-XII va XIV-XV asrlarda, Sharq uyg'onish davri – Sharq Renissansi, dunyo ilmiy jamoatchiligi tomonidan haqli ravishda tan olingan. Sharq uyg'onish davrining o'ziga xos xususiyati avvalo matematika, astromomiya, fizika, kimyo, geodeziya, farmakologiya, tibbiyot kabi aniq va tabiiy fanlar namoyon bo'ldi. O'rta asrlarning ilmiy kashfiyotlari haqida gapirar ekanmiz, Muhaddamad Ibn Muso Al-Xorazmiy, nol belgisi va qutblar koordinatlarini birinchi bo'lib asoslab berdi. Uning nomi va asarlari „algoritm“ va „algebra“ kabi zamonaviy atamalarda abadiylashtirildi. Ahmad Farg'oniy yerning o'lchovi haqidagi dastlabki ma'lumotlarni sayyoramizning sharsimon ko'rinishiga ega ekanligini, Abu Rayhon Beruniy dunyo ilm fanida birinchi bo'lib yer radiusini hisoblab chiqdi. Kolumb sayohatidan 500 yil oldin Tinch va Atlantika okeanlari ortida qit'a mavjudligini

asosladi, tibbiyot tarixida eng mashhur alloma Ibn Sino "Tib qonunlari" asari qariyb, 500 yil davomida Yevropaning yetakchi universitetlarida tibbiyot ilmi sifatida o'qitib kelindi. Buyuk alloma va mutafakkirlarimiz xizmatlari, ilmiy asarlari hozirgi kunda ham insoniyatning inetlektual taraqqiyotining shakllanishida, ayniqsa ularning merosini yoshlarimiz o'rganishi, ilm fan rivojlanishida muhim ahamiyatga egadir.

Davlatimiz mustaqilligining 23 yilligi munosabati bilan, oliy, o'rta va maxsus ta'lim tizimi o'quv dargohlarida, olib boriladigan „ Mustaqillik darslari“ aynan, buyuk ajdodlarimiz merosini o'rganish, bu meros butun insoniyatning ma'naviy boyligi sifatida ta'n olinganligiga bag'ishlanadi. Mamlakatimizda hozirgi kunda 31 million aholining 60 foizdan ortig'ini yoshlar tashkil etadi. Qabul qilingan milliy dasturga ko'ra, 12-yillik ta'lim olish, eng zamonaviy loyihalar asosida, 1500dan ortiq akademik litsey va kollejlarda faoliyat ko'rsatmoqda. Keng ko'lami olib borilgan islohatlar natijasida, oliy o'quv yurtlari soni 2 marta oshib, 60ta universitet va institutlar faoliyat ko'rsatmoqda.

Yoshlarimizga yaratib berilayotgan shart sharoitlar, ta'lim tizimining islohatlari uchun O'zbekiston davlat byudjetidan 35% mablag' aynan ta'lim tarbiya sohasiga yo'lantirilmoqda. „ 21-asr – Bilim va intellektual tafakkur asri“ deb bejiz aytilmagan. Yosh avlodni milliy va umuminsoniy qadriyatlar ruhida tarbiyalashga etarlicha e'tibor berish, o'zining tarixiy, madaniy va intellektual merosini avaylab-asrashga, boyitish va ko'paytirishga yo'naltirishimiz lozim.

TTA qoshidagi akademik litsey, ijtimoiy fanlar kafedrasini mudiri: Yunusova Sh.S

